

Қасамхўрликнинг ҳукми қандай?



21:04 / 13.11.2018 2621

Савол: *Бир биродаримиз анча йиллар олдин бир қиз билан яхши кўришиб, «Мен сенга уйланаман. Уйланмасам, эмган сутим ҳаром бўлсин», деб қасам ичган экан.*

Тақдир тақозосига кўра у қиз бошқа киши билан, бу йигит эса бошқа қиз билан турмуш қуриб кетишди. Ичилган қасам эса виждон азобида қийнайди. Шу каби ичилган қасамларнинг одамга зарари тегадими? Унинг кучини йўқ қилса бўладими?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ношаръий ишларни қилишнинг оқибати шу каби хижолатликларга олиб келади. Шариатга хилоф учрашув шариатга хилоф қасамга олиб борган ва хижолатлик ҳамон давом этмоқда.

Аслида, Аллоҳ таолонинг номи билан ичилган қасамгина шаръий жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Бошқа номлар билан, турли шартлар билан ичилган қасамлар ношаръий бўлиши билан бирга, баъзан ширкка сабаб бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун агар дўстингиз Аллоҳ таолонинг номи билан қасам ичмаган бўлса, аввало, тавба қилсин, кўп-кўп истиффор айтиши шарт. Фақат шундан кейингина қасамини бузган кимсалар учун шариатда белгиланган жазолардан ўзи қодир бўлганини бажаради. Бу

шартлар:

1. Ўнта мискинни тўйдириш.
2. Ўша мискинга бир сидра кийим-бош олиб бериш.
3. Бир қул озод қилиш.
4. Юқоридаги учта ишга қодир бўлмаса, уч кун рўза тутиш.

Валлоҳу аълам.

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан